

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O'zbekistonda sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgz.uz, uzss@yandex.ru • 2018 йил 27 июль • № 30 (1207)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИГА НЕФРОЛОГИЯ ВА ГЕМОДИАЛИЗ ЁРДАМИ КЎРСАТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда мамлакатда нефрологик касалликларга чалинган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини сифат жиҳатидан яхшилаш чоралари кўрилмоқда.

Бир қатор республика ва барча вилоят тиббиёт муассасаларида беморлар умрининг анча узайишини ва уларнинг турмуш сифати ошишини таъминлайдиган гемодиализ бўлинмалари фаолият кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, мавжуд ахволнинг таҳлили гемодиализ ёрдамига муҳтож бўлган беморларга тўлиқ тиббий хизмат

кўрсатишга тўсқинлик қилаётган бир қанча ечимини кутаётган муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Хусусан:

**биринчидан**, тиббиёт муассасаларида гемодиализ олиш учун ўринларнинг умумий сони реал эҳтиёждан бир неча баравар кам, гемодиализ бўлинмаларининг ярмидан ортиги мослаштирилмаган хоналарда жойлашган, кўпгина гемодиализ машиналарининг белгиланган фойдаланиш муддати ўтиб кетган;

**иккинчидан**, аҳолига юқори малакали нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш, шу-

нингдек, буйракларни трансплантация қилиш бўйича минтақавий бўлинмаларга эга бўлган ихтисослаштирилган тиббиёт марказини ташкил этишга эҳтиёж мавжуд;

**учинчидан**, терминал ва ўткир буйрак етишмовчилигига дучор бўлган беморларни даволашнинг ягона стандартлари ва протоколлари жорий этилмаган, шунингдек, нефрологик касалликларнинг барвақт олдини олиш, уларга ўз вақтида ташхис қўйишнинг самарали тизими, беморларни ташлаш ва гемодиализга юбориш тар-

тиб-таомиллари йўлга қўйилмаган;

**тўртинчидан**, нефролог му-тахассислар, гемодиализ шифокорлар ва гемодиализ бўлинмаларининг бошқа тиббиёт ходимларини тайёрлаш бўйича ягона дастур мавжуд эмаслиги сабабли шифокор-нефрологлар ва гемодиализ бўйича мутахассислар кескин етишмаяпти;

бешинчидан, нефрологик касалликларни даволашнинг замонавий тиббий инфратузилмасини яратиш ва ушбу соҳада тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этишда давлат-хусусий шерик-

лик имкониятларидан фойдаланилмапти;

олтинчидан, гемодиализ тиббиёт ускуналари ва сарфлаш материалларини олиб кириш ва сотиб олишни рўйхатдан ўтказиш, сертификатлаш ва рухсатнома олишнинг мураккаб ва шаффоф бўлмаган тартиб-таомиллари амал қилмоқда, бу бозорга киришни ва уларни ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобатни чекламоқда.

Мавжуд муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш ва камчиликларга барҳам бериш, **(Давоми 2-бетда).**

## Саломатлик мактаби

## Жиззах вилояти

# ИНСОНЛАРИ ҚАДР ТОПГАН ЮРТ



Бугун юртимизнинг қайси бир гўшасида бўлмайллик, бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари изчиллиги диққатимизни тортса, инсон саломатлиги ва унинг манфаатларини таъминлаш йўлида олиб борилаётган фаолиятлар кўлами кенгайиб бораётганлиги бу жараёнда барчамизни фаол иштирок этишга ундамоқда.

Шу маънода давлат ташкилотлари раҳбарларидан тортиб, оддий фуқарога ҳамият тараққиёти, турмуш фаровонлигини яхшилаш мақсадида ҳамжиҳатликда иш олиб бормоқдалар. Жумладан, давлатимиз томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ижросини амалга ошириш борасида куни кеча Жиззах вилояти Зарбдор тумани "Оқар" қишлоқ фуқаролар йиғини аҳолиси учун чуқурлаштирилган тиббий кўрик ташкил этилди. Мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Эльмира Баситханова иштирок этиб, жараёнларни кузатиш билан бирга, умумтаълим мактаби, мактабгача таълим муассасаси ҳамда аҳоли хонадонларига ташриф буорди.

**Суюмахол ТУРСУНКУЛОВА,**  
Оқар қишлоғи фуқароси:

– Айни кунда 100 ёшми қаршиладим. Хонадонимга фарзандларим, набири, эвара, чевараларим ҳамда кўнглимга яқин инсонларим келишганда қалбим завққа тўлади. Мана, бугун мен учун яна бир қувончли кун бўлди. Оиламизга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Эльмира Баситханова ва бир гуруҳ меҳмонлар келиши. Бундан бошим осмонга етди. Биздек қарияларни эзозлаб, эътибор ва ғамхўрлик кўрсатаётган давлатимиз раҳбарига раҳмат айтиб, дуолар қилдим. Меҳр кўзда деганларидек, бундай ташрифлар инсонларни бир-бирига бўлган оқибатини оширади. Бугунги учрашувда ана шундай меҳрдан мен ҳам баҳраманд бўлдим.

**(Давоми 3-бетда).**

## Тошкент шаҳри

## Дастур ижроси амалда

# «ОБОД МАҲАЛЛА»НИНГ ОБОД ДАСТУРИДАН ХАЛҚИМИЗ РОЗИ

Маълумки, мамлакатимизда аҳоли саломатлигини асраш, бу борада профилактика ишларини кучайтириш мақсадида жойларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ишчи гуруҳи тасарруфидаги Қўшма қарор асосида "Саломатлик мактаблари" томонидан тизимли фаолиятлар олиб боришмоқда. Хусусан, аҳолини тўлиқ патронаж хизмати билан қамраб олиш, уларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш, тиббий маданият ва соғлом турмуш тарзи тарғиботи кенг кўлаmda амалга оширилмоқда. "Обод маҳалла" дастурида соғлиқни сақлаш тизимига доир белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича ўтказилган бу каби тадбирлар мамлакатимиз ва пойтахтимизнинг барча ҳудудларида ташкил этилмоқда.

Жумладан, шу мазмундаги тиббий кўрик 13 июль куни Сергели тумани Дўстлик даҳасида жойлашган "Дарё бўйи" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Эльмира Баситханова иштирок этиб, тадбир иштирокчилари, маҳалла фаоллари ва ҳудудга бириктирилган тиббиёт ходимларига тиббий кўриқларни ташкил этишдан мақсад, унинг мазмун-моҳия-

ти ва аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзининг тарғиботига оид амалга ошириш лозим бўлган вазифалар тўғрисида маълумот берди. Шунингдек, мазкур фаолиятларнинг ҳамкорликда олиб борилаётганлиги ишлар самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этаётганлиги, бунинг натижа-сида аҳоли саломатлигини манзилли ўрганишга эришилаётганлигини алоҳида таъкидлади.

**(Давоми 5-бетда).**



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИГА НЕФРОЛОГИЯ ВА ГЕМОДИАЛИЗ ЁРДАМИ КЎРСАТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

шунингдек, замонавий инфра-тузилмани ривожлантиришни таъминлаш ва нефрологик касалликлардан азоб чекаётган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини сифат жиҳатидан яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг аҳолига нефрологик ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш бўйича фаолияти қоникарсиз, деб топилсин.

2. Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг аҳолига нефрологик ва гемодиализ ёрдами кўрсатиши янада ошириш соҳасида асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами муассасаларида республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, олий тиббиёт таълим муассасалари клиникалари, республика кўп тармоқли шифохоналарининг етакчи мутахассислари иштирокида тизимли равишда аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилишини ташкил этиш;

профилактика қилиш, ташхис қўйиш ва даволашнинг замонавий ҳамда самарали усулларини жорий этиш йўли билан соғлиқни сақлаш тизимининг вилоят ва туман даражасида аҳолига ихтисослаштирилган, юқори технология нефрологик тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш;

буйрак патологиясининг барвақт олдини олиш, уларни ўз вақтида аниқлаш, мавжуд беморларни даволаш ва реабилитация қилиш бўйича ишларни ташкил этувчи интеграциялаштирилган тизимни соғлиқни сақлаш тизимининг барча даражаларида яратиш, шунингдек, беморларга ташхис қўйиш, танлаш ва гемодиализга юбориш жараёнини халқаро амалиётга мувофиқ қайта қўриб чиқиш ва оптимallashtiriш йўли билан нефрологик касалликларга чалиниши ҳамда бу касалликлар сабабли вафот этишни камайтириш;

даволашнинг юқори технология усуллари ва замонавий стандартлардан кенг фойдаланган ҳолда гемодиализ ёрдамга муҳтож беморлар умрининг узайишини ва уларнинг турмуш сифатини оширишни таъминлаш;

тиббий ёрдам кўрсатишнинг барча босқичларида катта ёшдагилар ва болаларда буйрак касалликларига ташхис қўйиш ва уни даволашнинг ягона замонавий стандартлари ва протоколларини жорий этиш, жумладан, гемодиализ сансалари учун мажбурий клиник протоколларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

нефрологик ва гемодиализ муассасаларини замонавий юқори технология ташхис қўйиш ва даволаш тиббиёт ускуналари билан тўлиқ жиҳозлаш, уларни эҳтиёт қисмлар, гемодиализ учун сарфлаш материаллари билан узлуksиз таъминлаш ва тегишли қурилиш-таъ-

мирлаш ишларини амалга ошириш йўли билан нефрология ва гемодиализ муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

нефрологик касалликларнинг барвақт олдини олиш, уларни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш бўйича кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш;

аҳолига нефрологик ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш соҳасида хусусий секторни ва давлат-хусусий шерикликни жадал ривожлантириш.

3. Аҳолига ихтисослаштирилган нефрологик ва гемодиализ тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда Чора-тадбирлар дастури деб юритилади) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик ва идоралар раҳбарлари Чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилиши учун шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

4. Чора-тадбирлар дастури амалга ошириладиган муддатга 2-иловага мувофиқ таркибда Аҳолига ихтисослаштирилган нефрологик ва гемодиализ тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури ижросининг боришини мониторинг қилиш бўйича ишчи комиссия (кейинги ўринларда – Комиссия) ташкил этилсин.

Куйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ушбу қарор қоидаларини амалга ошириш, қўйилган вазифаларни бажаришда юзга келадиган муаммоларни ва уларни келтириб чиқарадиган шарт-шароитларни аниқлаш;

нефрология ва гемодиализ хизмати фаолияти, буйрак етишмовчилигига дучор бўлган беморларга юқори малакали ёрдам кўрсатиш бўйича тиббиёт ходимларига юқланган вазифалар бажарилишининг самарадорлигини устидан тизимли назорат олиб бориш;

сурункали буйрак касаллигига чалинган беморларга ташхис қўйиш

ва уларни даволашнинг ишлаб чиқилган стандартлари асосида нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатувчи тиббиёт муассасалари томонидан вазифалар бажарилиши жараёнини, жумладан, жойларга бориб ўрганиш;

амалга оширилган тадбирлар материалларини, Комиссия қарорларини аниқланган камчиликларни ва тиббиёт муассасалари фаолиятидаги муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли чоралар қўриш учун Вазирлар Маҳкамасига, прокуратура органларига ва бошқа органларга юбориш;

нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатувчи тиббиёт муассасалари фаолиятидаги тизимли камчиликлар ва ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, бундай ёрдам кўрсатишнинг ташкилий тизимини янада такомиллаштириш бўйича так-

лифлар ишлаб чиқиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг: Тошкент шаҳар нефрология шифохонаси негизида Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантация илмий-амалий тиббиёт марказини ташкил этишни;

янги ташкил этилаётган Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантация илмий-амалий тиббиёт маркази негизида Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида "Нефрология, гемодиализ ва буйрак трансплантация" кафедрасини ташкил этишни;

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб магистратура ва клиник ординатуранинг "нефрология" ва "болалар нефрологияси" мутахассислари бўйича янги йўналишларини очишни назарда тутуви тақлифлари қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки:

Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантация илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент шаҳар нефрология шифохонасининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт ташкилотларининг нефрология ва гемодиализ бўлинмалари Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантация илмий-амалий тиббиёт марказининг минтақавий ташкилий-методик бўлинмалари ҳисобланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги уч ой муддатда Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантация илмий-амалий тиббиёт марказини жойлаштириш учун Тошкент шаҳар нефрология шифохонаси биносини реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилишини таъминласин.

7. "Соғлом авлод учун" фонди ва кенг жамоатчиликнинг сурункали буйрак етишмовчилиги билан касалланган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, гемодиализ хизмати фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида "Ўзбекистон диализ жамияти" нодавлат нотижорат ташкилотини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи қўллаб-қувватлансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги "Ўзбекистон диализ жамияти" нодавлат нотижорат ташкилотини рўйхатдан ўтказишда қўмақлашсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига икки ой муддатда куйидагиларни назарда тутуви "Йўл харитаси" тасдиқлашини таъминласин:

дастурий гемодиализ кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шериклик ва аутсорсинг жорий этиш, шунингдек, хусусий секторни ривожлантириш бўйича амалий ҳаракатлар;

давлат-хусусий шериклик асосида гемодиализ хизматлари кўрсатувчи тиббиёт муассасаларини қуриш, жиҳозлаш ва улардан фойдаланиш бўйича ишлаб

чиқилган тақлифларни жорий этиш;

гемодиализ аппаратлари ва сарфлаш материаллари етказиб беришга зарур рухсатномалар беришнинг, хусусий тиббиёт ташкилотлари томонидан гемодиализ хизматлари кўрсатишнинг амалдаги тизимини тубдан соддалаштириш бўйича зарур чоралар қўриш;

гемодиализ хизматлари кўрсатиш тартибини, уни амалга ошириш усулларини тартибга солишни, шунингдек, ушбу соҳада давлат-хусусий шериклик шартномаларини тузиш, ижро этиш ва тугатишни назарда тутуви гемодиализ хизматлари кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги вақтинчалик низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

а) икки ҳафта муддатда Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантация илмий-амалий тиббиёт марказининг тузилмаси ва уставини ҳамда унинг минтақавий бўлинмалари тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқласин;

б) уч ой муддатда: нефрология ва гемодиализ бўлинмаларининг гемодиализ ускуналари паркинни танқидий таҳлил қилсин, унинг аяқларни бўйича уларни янгилаш, шунингдек, гемодиализ бўлинмалари тармогини кенгайтириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин;

дастурий гемодиализдаги беморларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг мажбурий клиник протоколларини тасдиқласин;

республика ва минтақавий тиббиёт муассасалари кесимида гемодиализ олишга беморларнинг тенг микдорда бириктирилишини таъминласин;

республика, вилоят ва туман (шаҳар) миқёсида кўрсатиладиган тиббий хизматлар ҳажмини, мутахассисларнинг функционал вазифаларини белгиланган ҳолда нефрология кабинети ва бўлимини жиҳозлаш стандартларини назарда тутуви нефрология ихтисослиги бўйича тиббий ёрдам кўрсатиш тартибини тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда сурункали буйрак етишмовчилигига дучор бўлган беморлар хисобини юритиш ва уларнинг мониторингини олиб боришнинг ягона электрон регистри механизминини жорий этсин;

г) Чора-тадбирлар дастури сифати ва ўз вақтида амалга оширилиши устидан мониторинг олиб борилишини таъминласин, мониторинг натижалари тўғрисида ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирли-

ги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фанлар академияси ва Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

гемодиализ ўтказиш учун сарфлаш материалларини маҳаллий ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш ва гемодиализ хизматлари кўрсатиш сифатини ошириш бўйича тадбирларни амалга ошириш учун хайрия маблағлари ва халқаро (хорижий) ташкилотларнинг грантларини жалб этиш юзасидан тақлифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

"Соғлиқни сақлаш" тармоғи бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни ҳаражатларининг ҳар йилги параметрларини шакллантиришда ушбу қарор билан тасдиқланган тадбирларни амалга ошириш учун зарур маблағларни назарда тутсин;

давлат-хусусий шериклик асосида стандартлар ва нормативлар бўйича ўтказилган гемодиализ хизматлари учун ўз вақтида ҳақ тўлашини таъминласин;

гемодиализга муҳтож бўлган беморлар сонининг йиллик ўсишини ҳисобга олган ҳолда зарур гемодиализ ускуналари, эҳтиёт қисмлар ва сарфлаш материаллари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асосланган бюджетномаларини асосида ўз вақтида ҳарид қилишни учун бюджет маблағлари ажратилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ушбу қарорда назарда тутилган тадбирлар бажарилиши, шунингдек, ажратилган маблағлардан ўз вақтида, оқилона ва мақсадли фойдаланилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин;

улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

14. Назор қарорининг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. А. Абдуҳакимов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О. Б. Муродов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р. С. Қосимов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2018 йил 12 июль

(Давоми. Боши  
1-бетда).

Саломатлик мактаби

Жиззах вилояти

# ИНСОНЛАРИ ҚАДР ТОПГАН ЮРТ

Ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ва мактабгача таълим вазирликлари ва ўрта махсус касб-хунар таълим марказининг "Аҳолини мақсадли патронаж билан қамраб олиш, уларда тиббий маданиятни шакллантириш ҳамда оила ва таълим муассасаларида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида"ги Қўшма қарор ижросини таъминлаш, шунингдек, "Обод маҳалла" дастурининг

рида мактаб ўқувчиларининг китоб мутолаасига қизиқишлари кузатиладиган, улар яқин кунларда ўқиган бадиий китоблари ва унинг мазмун-моҳияти тўғрисида гапириб бердилар. Вазир ўринбосари Эльмира Баситханова шەриятга ихлос қўйган, ватан, она мадҳи бағишлаб шەър ёзган ёшларнинг ижодини тинглаб, уларга адабиётнинг буюк намояналари Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, шунингдек, халқ севган ижодкорлар Зулфия, Хамид Олимжон, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва Муҳаммад Юсуф сингари шоирлар шەриятдан баҳраманли бўлишларини айтиб ўтди. Тадбир давомида ишти-

бошлаши, шу билан бирга, мутахассислар билан таъминланишини таъкидлади. Тиббий кўрикка Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда туман тиббиёт бирлашмасига қарашли муассасаларда фаолият олиб бораётган малакали шифокорлар жалб қилинди. Айниқса, УТТ, ЭКГ аппаратларига навбат кутиб турганлар сони ниҳоятда кўп, шунингдек, офталмолог, кардиолог, хирург, педиатр, невропатолог, ЛОР, дерматолог каби мутахассислар кўригидан ўтган ҳар бир фуқародаги кўтаринки кайфият эътиборимизни тортди. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, аҳоли томонидан Вазир ўринбосари Эльмира Баситханова




бажарилиши бўйича амалдаги фаолиятлар қай даражада йўлга қўйилганлиги билан яқиндан танишилди. Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Эльмира Баситханова, Қўшма қарор ижросини таъминлаш бўйича Тошкент шаҳри, Сирдарё ва Тошкент

роқчилар мактаб спорт залида бир гуруҳ аёлларнинг жисмоний тарбия билан шуғулланаётганликларини гувоҳи бўлдилар. Спортчи аёллар ва маҳалла фалолари ўз чиқишлари билан бирга, келгусидаги режалари хусусида фикрлашдилар. Шундан сўнг, мактабгача таълим му-

вага аҳоли томонидан мурожаатлар бўлди. Муаммолар ечимни ўша ернинг ўзидан ҳал этилиб, масъулият мутасадди раҳбарларга юклатилди. Мақсадли ва тизимли йўлга қўйилган ушбу жараёнлар доирасида давлатимиз томонидан оилаларга чуқур кириб бориш,

билан ишлашга ундаяпти. Бўлиб ўтган тиббий кўриқлардаги иштирокларидан хулоса қиладиган бўлсам, ҳамкорликдаги фаолият ўз самарасини бераётганлигига амин бўлдим. Аҳамиятлиси шундаки, аҳолининг ўзи жараёнларга фаоллик билан ёндашиб, саломатлик борасида тиббий би-

тахтдаги гуруҳ аъзоларининг иштироки аҳолиимизни янада хурсанд этди. Мазкур тиббий кўриқдан 770 нафарга яқин аҳоли саломатлиги текшириб, ўтказилди. Шунинг таъкидлаш мумкинки, шароитларимиз билан танишган мутасаддилар ҚВГМизни малакали мутахассис



вилоятлари кесимидаги мониторинг гуруҳи раҳбари Саодат Хамидова, гуруҳ аъзолари Нилуфар Рўзиева, Ёдгора Усмонова, Нилуфар Қулматова, туман ҳокими ўринбосари, туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи ҳамда "Оқар" кишлоқ фуқаролар йиғини раис ва фаоллари, аввало, "Саломатлик мактаби" бўйича кишлоқ ҳудудида жойлашган умумтаълим мактабида бўлиб, ўқувчиларни тўғра рақлардаги иштирокларини кузатиб, улар эришган муваффақиятлар билан танишишди. Вазир ўринбосари ҳамшира тўғрағидики қизлар билан чуқур суҳбатда бўлиб, уларга соғлом турмуш тарзи бўйича саволлар берди. Бунинг баробара-

ассасасида бўлиб, кичкинтойларнинг саломатлик борасидаги фикрлари тинланди. Айниқса, болажонларимизнинг айрим саволлари бйрон-бйрон жавоб беришлари барчамизни қувонтирди.

Жойларда ташкил қилинган тиббий кўрик жараёнларини кузатар эканмиз, "Оқар" ҚФЙ ҳудудида истиқомат қиладиган кўп сонли аҳоли билан суҳбатда бўлганмизда, улар мазкур муассасада фаолият олиб бораётган патронаж ҳамширалардан мамнун эканликларини изҳор қилдилар. Бир гуруҳ ҳомиладор аёллар эса саломатликларини учун зарур бўлган шароит ва имкониятлар яратилиш тақлифини қиритганларида вазир ўринбосари тез кунларда аёллар маслаҳатхонаси ва ўсмир қизлар учун тиббий кўриқхонаси иш

ларнинг ижтимоий ҳолатини ўрганиш каби вазифаларнинг белгилаб берилганлиги ҳам бежиз эмас. Чунки хонадонларда парвариш ва ўзгалар ёрдамида муҳтож қариялар, ногиронлиги бўлган шахслар, ҳомиладор аёллар учун зарурий шарт-шароитлар мавжудлигини аниқлаш ва белгиланган тартиб асосида ёрдам бериш муҳимлиги кўзда тутилган. Шу асносда ишчи гуруҳ аъзолари Оқар кишлоғидаги хонадонларда бўлиб, улар аҳолидан хабар олишди. Хусусан, тиббий ёрдамга муҳтож бўлган Бахтиёр Эргашев, Иқбол ая Тоғаева ва Суюмаҳол Турсунқуллова хонадонига Вазир ўринбосари Эльмира Боситханованинг ўзлари шахсан ташриф буюриб, улар ҳолидан хабар олдилар.

**Гўзал ХАЙДАРОВА,**  
**Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлигининг ўринбосари:**  
— Амалдаги фаолиятлардан келиб чиқиб эътироф этмоқчиманки, Қўшма қарор кенг аудиторияни қамраб олди. Бу борада вилоятимиз миқёсида бир қанча тадбирлар ўтказилди. Жумладан, Дўстлик туманининг Манас Шароф Рашидов туманининг Қўрғонтепа, Зарбдор туманининг Оқар кишлоқларида тиббий кўриқлар ташкил қилинди. Унинг таркибидан пойтахтимиздан ташриф буюрган ишчи гуруҳлар томонидан ижро интизомини, меъёрий ҳужжатларнинг юритилиши бўйича семинарлар олиб борилди. Бундай мақсадли вазифалар ҳар биримизни янада масъулият

лимларга эга бўлмоқдалар. Бу каби эзгу ишларнинг ташаббускори Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳамда пойтахтдаги ишчи гуруҳ аъзоларига вилоят аҳли номидан чексиз ташаккур билдираман.

**Дилбар БЕГИМҚУЛОВА,**  
**патронаж ҳамшира:**  
— Ҳудудимизда 6 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Жорий йил бошидан бирламчи тизимда кишлоқ врачлик пунктларини қисқартириш жараёнида бизнинг муассасамиз ҳам январь ойидан бошлаб иш фаолиятини тўхтатган эди. Ўтган давр мобайнида аҳолига 10 нафар ҳамшира тиббий ёрдам кўрсатиб келдик. Афсуски, шу кунга қадар ҚВГМиз бирорта врач билан таъминланмаган. Соҳага оид меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши тизимда катта ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Шу жумладан, мана, бугунга келиб Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоят ҳокимлиги ва соғлиқни сақлаш бошқармаси, туман тиббиёт бирлашмаси ташаббуси билан шифо масканимиз қайта тикланмоқда. Бунинг учун барча мутасаддиларга миннатдорлик билдираман, шунингдек, ушбу тадбирнинг ташкил этилиши ва пой-

ҳамда замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланишида ўзларининг амалий ёрдамларини кўрсатадилар, деган умиддамиз.

**Раъно АБДУРАҲМОНОВА,**  
**"Оқар" кишлоқ фуқаролар йиғини фаоли, хотин-қизлар билан ишлаш мутахассиси:**

— Маҳаллаимиздаги хотин-қизларнинг кўпчилиги давлат муассасаларида фаолият юритса, айримлари фарзанд тарбияси ҳамда ўзи ишлари билан машғул. Қўшма қарорнинг қабул қилиниши ва унинг таркибидан "Саломатлик мактаби" фаолияти аёлларимизнинг дунё қарашини ўзгартирди. Тез-тез хонадонларда бўлиб, давлатимиз томонидан хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун қабул қилинган ҳужжатлар мазмун-моҳияти бўйича, шу билан бирга, патронаж ҳамширалар ҳамкорлигидега касалликлар тўғрисида тарғибот ишларини олиб бормоқдамиз. Тиббий кўрикка ёш қариларимизнинг фаол иштирок этганидан кўриниб турибдики, халқимизнинг тиббиётга бўлган ишончи ва тиббий саводхонлиги ошиб бормоқда.

**Мамлакатимиз бўйлаб олиб бориладиган бундай мақсадли ва манзилли ишлар кўлами ниҳоятда кенгайиб бормоқда. Бунинг учун, албатта, мониторинг гуруҳи ҳамда унинг жойлардаги аъзолари фаолиятини бўшаштирмасдан, ўз вақтида амалга оширсалар инсон саломатлиги учун ҳеч қандай муаммолар юзага келмайди. Ана шундагина, касалликларнинг олди олинб, бирламчи тизим олдида турган масалалар ечимига эришилади.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Саломатлик мактаби

Сирдарё вилояти

# ҲАМКОРЛИК ЗАМИРИДА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ

Вақт, давр шиддат билан ўтмоқда. Зеро, тезкорлик ҳар соҳада устуворлик касб этиб, барчани замон билан ҳамнафас яшашга ундамоқда. Шундай экан, ўз халқининг саломатлиги, турмуш фаровонлиги, қолаверса, жамиятимиз тараққиёти янада юксалиши учун қайғураётган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг эзгу ғояларидан бугун барчамиз бирдек баҳраманд бўляпмиз. Бунинг тасдиғи сифатида айтиш жоизки, оммавий ахборот воситаларида юртимизда юз бераётган оламшумул ўзгаришларга бағишлаб чоп этилаётган туркум мақолалар, телекўрсатувлар ҳар бир фуқаро қалбидан чуқур ўрин олиб, айниқса, пиру-давалат отахону онахонларимиз қўлларини дуога очиб, шукроналик келтирмоқдалар.


Маълумки, шу кунларда Ҳуртобимиз ташаббуси билан "Обод қишлоқ ва маҳалла" дастурлари асосида жойларда фаолиятлар изчиллик билан давом этаётганлиги ҳар биримиз гувоҳ бўлмақда. Юртимизнинг қайси бир

45 кунда ўзгача қиёфа кашф этган кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Қишлоқнинг замонавий тус олганлиги ҳамда у ердаги аҳоли учун яратилган шароит ва имкониятлар оламшумул воқеага айланди, десак муболага бўлмайди. Ана шундай тезкорлик билан

лигини гувоҳи бўлдик. Асосий мақсадимиз шундан иборат бўлдики, "Обод қишлоқ ва маҳалла" дастурларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Мактабгача таълим вазирликлари ва ўрта махсус касб-хуна таълим марказининг "Аҳолини мақсадли патронаж билан қамраб олиш, уларда тиббий маданиятни шакллантириш ҳамда оила ва таълим муассасаларида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида"ги Қўшма қарор ижросини таъминлаш, буйича



Сирдарё вилоятининг Сардоба туманида бўлганимизда Қўргонтепа қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда истиқомат қилаётган 80 ёшли отахон Мисир Жонибеков хонадонига ташриф буюрдик. Юзларидан нур ёғилиб турган, қалби шукроналикка лиммо-лим тўлиб, кўзларидаги қувонч ёшларини яшира олмаган отахон Президентимиз номларини тилга олиб, бу каби гамхўрликлардан мамнун ҳолда инсон учун кадрли бўлган сабр-тоқат, меҳр-оқибат каби эзгу фазилатларини қалбимизга муҳрлагандек бўлдилар...



гўшасида бўлмайлик, у ердаги ободонлаштириш, бунёдкорлик ва халқимизга кўрсатилаётган эътибор ва гамхўрликни кўриб ҳурсанд бўласан киши. Ҳамон кўз ўнгимиздаки,

амалга оширилган ишлар сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Хизмат сафари билан Сирдарё вилоятининг Сардоба туманида бўлганимизда у ерда фаолиятлар жадаллик билан давом этаётган

амалдаги фаолиятлар ҳамда аҳолининг бу борадаги фикрларини ўргандик.

Хизмат сафаримизни, аввало, Қўшма қарор ижроси қай даражада ўз ифодасини топаётган

Мактабнинг спорт залида бир гуруҳ аёлларнинг жисмоний ҳаракат билан шугулланаётганлиги гувоҳ бўлдик. Спорт сектори раҳбари Туйдиғул Рустамова "Бу аёллар маҳалла-

дилар. Шунингдек, кичкинтойлар томонидан қўл ювиш қоидалари ҳам кўрсатиб ўтилди. Ишчи гуруҳи уларга соғлом турмуш тарзи бўйича саволлар беришганда айрим болажон-



лигида ойдинлик киритиш мақсадида Сардоба туманидаги 16-сонли умумтаълим мактабига ташриф буюрдик. Мактаб ҳовлисига кириб борар эканмиз, ўқувчиларнинг турли хил тўғарақлардаги иштироки асосида ташкил этилган ижод намуналари ҳамда спортнинг кураш, қўл жанги ҳамда шахмат-шашка тури билан шугулланаётган ёшларни кўриб, уларнинг истеъдод, шижоат ва ғайратларига тан бердик. Бунинг баробарида бир гуруҳ ўқувчи кизлар билан саломатлик борасидаги билимларни мустаҳкамлаётган устознинг фикрларига қулоқ тутар эканмиз, машғулотнинг асосий мазмун-моҳияти нимадан иборат эканлигини тўғра аглаб етдик.

Айниқса, тўғри овқатланиш, эрта никоҳнинг салбий оқибатлари, зарарли одатлар, жисмоний фаоллик каби соғлом турмуш тарзининг олтин қоидалари бўйича ўқувчиларнинг тиббий билимлари қай даражада эканлигини кузатганимизда улар ҳар бир саволларга тўлақонли тарзда жавоб бердилар. Шунингдек, китобхонлик тўғрагининг фаол ўқувчилари билан суҳбатда бўлганимизда, уларнинг адабиётга бўлган қизиқишлари ҳам бизни бефарқ қолдирмади. Шу топда халқимиз нақли билан айтганда "Бешиқдан қабргача илм изла" деган пурмаъно фикрлар бизни янада сергақлаштирди.

мажлис залда меъёрий ҳужжатлар ижроси бўйича ишчи гуруҳ томонидан йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси вазифасини вақтинча бажарувчи Акбар Мирзахонов, ишчи гуруҳ раҳбари Саодат Ҳамидова, гуруҳ аъзоси Нилуфар Рўзиева ҳамда туман ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Гулчехра Жумабековалар сўзга чиқиб, олиб борилаётган жараёнлар хусусида тўхталиб ўтилди.

3-4-саҳифа материалларини Ибодат СОАТОВА тайёрлади. Муаллиф олган суратлар.

## ДИЛ ШУКРОНАСИ

Камбар она ШАИШЕВА,

"Қўргонтепа" фуқаролар йиғини фуқароси:

– Айни кунда 90 ёшдаман, 11 нафар фарзанднинг онасиман. 100 дан ошқиб набера, 80 нафар авера ҳамда чевараларим бор. Мен ўзимни бахтли инсон деб биламан, ҳозиргача ўз оёғимда юраман. Кекса бўлсам-да, ҳалигача адабиётни севаман. "Гўр ўғли" достонини ёддан биламан. Болаларимнинг барчасидан розиман, улар ҳолимдан доимий хабар олиб туришади. Фарзандларимга ана шундай беқисс юртда яшаётганликларингиздан шуқур қилинлар дейман. Айниқса, Юртобимиз Шавкат Мирзиёевнинг кексаю ёшга кўрсатаётган гамхўрлиги таҳсинлар ўқиб, қўлим доим дуода. Мана, бугун пойтахдан келган шифокорлар хонадонимизга ташриф буюришди. Бошим осмонга етди. Улар менга "Давлатимиз топшириғи билан келдик, саломатлигингиз ва турмуш фаровонлигингиз қандай?" дейишди. Бу каби меҳрибонликдан кўзларимга ёш келди, фақат ният қилдимки, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, бахтимизга Президентимиз омон бўлсин. Ўзбекистонимизга ҳеч қачон кўз тегмасин деб қоламан.

лар тезкорлик билан жавоб беришди. Шу ўринда таъкидлаш муҳимки, Қўшма қарор бежизга қабул қилинмаганлиги, чунки бунинг ҳамкорликдаги ифодасини мазкур муассаса мисолида кўра олдик.

Сўнгра, "Қўргонтепа" фуқаролар йиғини ҳудудда жойлашган Фафур Фулом номидаги қишлоқ врачлик пунктида тиббий қўриқдан ўтаётган аҳолининг кўпчилигини кўриб, халқимизнинг саломатлигига бўлган эътибори юксалиб бораётганлиги амин бўлди. Муассасага кириваришда кўча мазкур кутубхона ҳамда рақамли флюорография рентген аппарати қабулида фуқароларнинг навбат кутиб турганлиги, шунингдек, иттиҳоти УТТ, ЭКГ текшируви ҳамда тор мутахассислардан бирин-кетин кўриқдан ўтаётганлар билан суҳбатда бўлганимизда, улар бундай эзгу ишлардан мамнуликларини изҳор этдилар. Бўлиб ўтган мазкур тадбирда 1 минг 271 нафар аҳоли тиббий қўриқка қамраб олинди.

Тошкент шаҳри

Дастур ижроси амалда

# «ОБОД МАҲАЛЛА»НИНГ ОБОД ДАСТУРИДАН ХАЛҚИМИЗ РОЗИ

Аҳамиятлиси, тadbирга худ шифокорларидан ташқари, пойтахтимиздаги етакчи клиникаларда турли йўналишларда фаолият юритаётган 15 на-

тож аҳоли вакилларига қаратилди. Ёлғиз қария ва ётоқдаги беморлар ҳолидан хабар олинди, улар учун уй шароитида тиббий кўриклар ташкил қилинди.


клиникада бирламчи тиббий-санитария хизмати кўрсатилади. Айни пайтга қадар аҳолини мақсадли патронаж хизмати билан тўлиқ қамраб олиш бўйича тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бу борада туман тиббиёт бирлашмаси ва маҳалла, умумтаълим мактаби, мактабгача таълим муассасалари ўртасида ҳамкорлик фаолиятлари йўлга қўйилган. Бугунги тadbирнинг айнан ушбу ҳудудда ўтказилаётгани беҳиз эмас. Сабаби, туман марказидан узок масофада жойлашган "Дарё бўйи" маҳалласига қарашли хонадонлар орасида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар сони кўпчиликти ташкил қилади. Шу боис ҳам улар саломатлигини назоратга олиш, аниқланган кўрсаткичлар таҳлили бўйича ҳудуд аҳолисига келгусида кўрсатиладиган тиббий хизматлар режасини иш-

га маъсулиятли, тиббий маданияти юксак аҳоли билан ишлаш фаолиятимиз сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

дим, уларнинг аксарияти кекса-нуронийлардан иборат бўлди. Текширувлар жараёнида кўпроқ қандли диабет касаллигининг турли кўриниш-



фардан малакали мутахассис жалб қилинди. Мутахассисларнинг ҳар бирига алоҳида қабул хонаси ташкил этилган ва улар тиббий кўриққа ташриф буюрган аҳоли билан гавжум. Қўшма қарор ижросини таъминлаш бўйича Тошкент шаҳри, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари кесимидаги мониторинг гуруҳи раҳбари Саодат Ҳамидованинг таъкидлашча, ушбу йўналишдаги тadbирлар 10-13 июль кунлари давомида Сергели туманининг бир қатор маҳаллалари ва оилавий поликлиникаларида ўтказилди. Бугунги тadbир туман марказидан чекка ҳудудда истиқомат қилувчи аҳоли қатламига мўлжалланганлиги учун уни ташкиллаштиришга туман тиббиёт бирлашмаси томонидан жиддий тайёргарлик кўрилган. Tadbир доирасида асосий эътибор кекса-нуроний, кўп фарзандли ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳ-



## Муножат АБДУЛЛАЕВА, Сергели туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи:

– Ҳудудда 39 та маҳаллада 25 хил миллат вакилларидан иборат 174 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларга 1 та марказий ва 5 та оилавий поли-

лаб чиқиш ҳамда уларга мувофиқ иш юритиш мақсад қилинди. Гувоҳи бўлиб турганингиздек, фуқароларнинг ўзлари ҳам мазкур жараёнда фаол иштирок этмоқда. Бу эса биз тиббиёт ходимлари учун ижобий натижа, албатта. Негаки, ўз саломатли-



Кенг жамоатчилик ҳамкорлигида ташкил этилган тиббий кўриққа ташриф буюрганлар ЛОР, окулист, кардиолог, эндокринолог, гинеколог, травматолог, стоматолог, педиатр сингари тор, соҳа мутахассислари ва бошқа шифокорлар қабули ҳамда ЭКГ, УТТ ва лаборатория текширувларидан ўтишди. Tadbир доирасида 40 га яқин хонадонга ташриф уюштирилди, 600 нафардан ортиқ аҳоли саломатлиги тиббий кўриқдан ўтказилди. Улар юзидаги мамнунлик ифодасидан эса ушбу эзгу ислохотлар учун, аввало, Президентимиздан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда тadbир ташкилотчиларидан миннатдор эканлигини англаш қийин бўлмади.

## Гўзал ИБРАГИМОВА, Тошкент шаҳар эндокринология диспансери шифокори:

– Тиббий кўрик мобайнида 100 нафардан ортиқ қабул ўтказ-

ри аниқланди. Шулардан келиб чиққан ҳолда уларга бу борада зарурий тавсиялар, тўғри оқатланиш тартиби, ўз вақтида муолажалар олиб туриши лозимлиги тушунтирилди. Айтиш мумкин, инсон саломатлигини асрашда тиббиёт ходими бу бир воситачи ҳолос, асосий муҳофиза одамларининг соғлиғига бўлган маъсулиятдир. Агар ҳар бир фуқаро соғлом турмуш тарзига амал қилса, ишонаманки, уларда соғлиқ жиҳатидан муаммо бўлмайди. Бундан ташқари, бугунги кунда патронаж хизмати халқ ичига тўлиқ кириб бормоқда, ўз ўрнида аҳолимиз ҳам улар билан ўз хонадонини ва оила аъзоларининг саломатлиги йўлида ҳудуд шифокорлари билан ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратиши лозим. Шундагина, Юртбошимиз назарда тутатган соғлом келажак пойдеворини мустаҳкамлаб, жамият фаровонлигининг ортишига эришамиз.

## ○ Мирзо Улуғбек тумани ○

**Мазкур тadbирларнинг мантиқий давоми 19 июль кун**  
**Мирзо Улуғбек туман тиббиёт бирлашмаси томонидан**  
**ҳудуддаги "Саломатлик мактаблари", маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, марказий кўп тармоқли ва оилавий поликлиникалар мутахассислари иштирокида чуқурлаштирилган тиббий кўриклар ташкил қилинди.**

Айтиш жоизки, кенг қўламли мазкур тadbирга тумандаги "Алломиш", "Нур", "Уйғомиш", "Ширинобод", "Навниҳол", "Авайхон", "Оққўрғон",

тиббиёт ходимлари, умуман, мазкур жараёнларда иштирок этиб, барчасига бевосита гувоҳ бўлаётган ҳар бир фуқаро руҳланмоқда.

дан, 1 минг 967 нафарини катта ёшдагилар ташкил қилса, 1 минг 423 нафари туғиш ёшидаги аёллар ва 677 нафари болалардан иборатдир. Бундан ташқари, 737 та хонадонга ташриф уюштирилиб, оила аъзолари уй шароитида тиббий кўриқдан ўтказилди. Кексалар ва ётоқли беморлар ҳолидан хабар олинди. Маҳалла фаоллари иштирокида уларнинг ижтимоий аҳоли ўрга-

да оширилаётган ишлар натижасини эса халқимиз баҳолайди. Зеро, улар розилигига эришиш фаолиятимизнинг устувор вазифасидир.

## Телмон ЎРИНОВ, "Аҳиллик" маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

– Мамлакатимизда барча соҳада рўй бераётган ижобий ўзгаришлар нафақат маҳалла, балки ҳар бир хонадон, ҳар бир оила-

мужассам. Албатта, булар ўзидан-ўзи амалга ошадиган ишлар эмас, давлатимизнинг ғам-хўрлиги, фидойи касб эгаларининг беминнат меҳнати ортидан рўёбга чиқмоқда. Табиийки, халқимизнинг кайфияти ҳам шунга ҳамоҳанг шаклланмоқда. Ҳар қандай муаммоси бўлса маҳаллага, ҳеч бўлмаса хонадонидан мунтазам хабар олиб турган ҳамшира ва ҳудуд шифокорига айт-



"Дархон" ва Ҳамид Олимжон, Аҳмад Югнакий, Хумоюн ҳамда Улуғбек номли маҳаллалар аҳолиси қамраб олинди. Эътиборлиси, ушбу фаолиятлардан аҳоли мамнун, улардаги фаоллик, ўз саломатлигига бўлган маъсуллик ва давлатимизга бўлган миннатдорлик кайфияти амалга оширилаётган хайрли ишлар натижасини ифода этмоқда. Бундан ҳар бир мутасадди ва

## Севара ҲУСАНОВА, Мирзо Улуғбек туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи:

– Туман миқёсида ўтказилган тиббий кўриқларга 2-сон Республика шифохонасига қарашли поликлиника, шунингдек, ҳудуддаги 6 та оилавий поликлиника имконияти ва мутахассислари сафарбар этилди. 13 та манзилда ташкил қилинган тadbирларда шифокорларимиз томонидан умумий 4 минг 200 нафар фуқаро чуқурлаштирилган тиббий кўриққа қамраб олинди. Шулар-

ниб чиқилди. Таҳлили натижалар ҳулосаси асосида ҳудуд шифокорларига зарурий кўрсатмалар берилди. Мақсадли патронажнинг "Саломатлик мактаблари" фаоллари билан мунтазам ишлаши, улар вазифасининг моҳияти аҳоли ўртасида яна бир марта тушунтирилди. Ўз ўрнида аҳоли орасида ҳам соғлом турмуш тарзи, шахсий гигиена, тўғри овқатланиш ва тиббий маданият, энг муҳими, ҳар бир инсон ўз саломатлигига, аввало, ўзи масъул эканлиги бўйича тарғибот ишлари олиб борилди. Амал-

га кириб борапти десам муболага бўлмайди. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан аҳоли салооматлигига қаратилган эътибор бугунги кунда ёш қарини бирдек мамнун этмоқда. Мана, биргина "Обод маҳалла" дастурини олайлик, тизимдаги алоқадор ташкилотларнинг ҳамкорлигидаги Қўшма қарор асосида патронаж ҳамшира дейсизми ёки "Саломатлик мактаби"нинг маҳалла фаоллари билан биргаликда олиб бораётган фаолиятларини айтагимиз ҳаммасининг замирида халқ манфаати

моқда. Улар ҳамкорлиги билан маҳалланинг хабардорлиги ортмоқда. Шу маънода айтиш мумкин, давлатимиз томонидан илгари сурилаётган "Обод маҳалла" дастури ўз вақтида жорий этилган самарали амалиётлардан бири бўлди. Ушбу фаолият мисолида ташкилотлар ва одамлар ўртасида ҳамжиҳатлик, бирдамлик муносабатлари кучаймоқда. Олдимизда турган вазифалар ижросини таъминлашимизда дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

(Давоми. Боши  
1-бетда).

(Давоми 6-бетда).

Тошкент шаҳри

Дастур ижроси амалда

## «ОБОД МАҲАЛЛА»НИНГ ОБОД ДАСТУРИДАН ХАЛҚИМИЗ РОЗИ

**Яшин ҲАСАНОВ,  
6-сонли Оилавий  
поликлиника бош  
шифокори:**

Поликлиникамизда 42 минг 661 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатилади. Фаолиятимизни янада такомиллаштириш, аҳоли саломатлигини мунтазам назоратга олиш, шу мақсад йўлида ҳар бир хонадонга патронаж хизматининг кириб боришини таъминлаш борасида Қўшма қарор доирасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ҳудудимизда ташкил қилинган "Саломатлик мактаблари", маҳалла фаоллари, умумтаълим мактаби ҳамда мактабгача таълим муассасалари ҳамкорлигида ижобий ишлар олиб боришмоқда. Бугунги тиббий кўрик ҳам ушбу эзгу ишларнинг мантқиқий давомидир. Гувоҳи бўлиб турганимиздек, маҳалла гузаро одамлар билан гавжум ва табиийки, тadbирга ташир буюрганларнинг бар-

часи ўз саломатлигига бефарқ бўлмаган аҳоли қатламидир. Улар қамровидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бугунги тиббиётимиз тўғри маънода халқ ишончига сазовар бўлмоқда. Ҳайлайманки, ишлар қўламини шу зайдда давом эттирилса, олдимизга кўйган мақсадларимизга эришиш у қадар қийин кечмайди.

**Мухаррам НОСИРОВА,  
"Аҳиллик" маҳалласи  
фуқароси:**

Тиббиёт ходими хонадонингизга яқин бўлса саломатлигингизга эътиборингиз ҳам ошириб баравар экан. Соғлом турмуш тарзи асосий қоидамизга айланган. Ҳамшира қизларимнинг меҳнати билан набираларим тўғри овқатланиш, эрталабки бадан тарбия, тиббий маданият борасида яхшигина билимдон бўлиб қолишган. Эртанги келажагимиз саломатликини ана шундай кадрловчилар қўлида бўлишини кўриб, албатта, қувонасиз. Маҳалламизда кўплаб мутахассислар иштирокида чуқурлаштирил-



ган тиббий кўрик бўлишини ҳам бир неча кун олдин айтишди. Соғлигимдан шикоятим бўлмас-да, бир кўриб кетай деб келдим. Шифокорларнинг муомаласи, ўзларини тутиши, сизни кутиб олишидан одамларнинг мамнунлигини айтмайсизми. Мени ҳам кўярда-қўймай, офтобда юриб-сиз деб, қон босимимни ўлчаб қўйишди, меъёрида экан. Ёшим-

дан келиб чиқиб зарурий тавсиялар берди, барака топишсин. Ўтмишга солиштирсанг хўп ажойиб замон бўлди. Халқимиз давлатимиздан миннатдор бўлиб, Юртбошимизни дуо қилмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари, туман тиббиёт бирлашмаси ва оилавий поликлиникамиз шифокорларга раҳматлар айтмоқда.

Тadbир доирасида шифокорлар ва Қўшма қарор лойиҳаси ижросини назорат қилувчи ишчи гуруҳ масъуллари ва ҳамкор идоралар вакиллари маҳалла ҳудудидаги Эркин Мираҳмедов хонадонига бўлиб, оила аъзоларининг ҳолидан хабар олишди. Хонадон соҳиблари учун уй шароитида тиббий кўриклар ташкил этилди.

## Яккасарой тумани

Таъкидлаб ўтганимиздек, эзгу мақсадларга қаратилган ушбу фаолиятлар Тошкент шаҳри ҳудуди бўйлаб кенг қўлабда ўтказилмоқда. Жорий йилнинг 20 июль куни Яккасарой тумани тиббиёт бирлашмаси ташаббуси билан тумандаги "Обод маҳалла" дастури ижроси доирасида "Саломатлик мактаби" ҳамкорлигида "Мерос" маҳалласида ҳам ўтказилди. Ҳудуддаги 100-сонли умумтаълим мактаби биносига ташкил қилинган чуқурлаштирилган тиббий кўрикка 500 нафарга яқин аҳоли қамраб олинди.

Айтиш керакки, мазкур тadbир моҳияти билан аҳоли тўлиқ хабардор қилинган, қабул жараёнини ўтказётган мутахассислар отахону онахонлар билан самимий муносабатда бўлмоқда. Ўз ўрнида ёшлар ҳам фаол иштирок этмоқда. Тиббий кўрик доирасида хонадонларга чиқувчи гуруҳ аъзолари ҳам алоҳида фаолият кўрсатмоқда. Умумтаълим мактаби маъмурияти томонидан УТТ, ЭКГ ва лаборатория текширувларига махсус хоналар ажратилиб, шифокорлар ҳамда аҳоли учун зарурий шароитлар яратиб берилган.

**Равшан АЛИХОДЖАЕВ,  
Яккасарой тумани тиббиёт  
бирлашмаси бошлиғи:**

Бу сингари тadbирларни туман миқёсида ўтказиш режалаштирилган, шунга кўра бугун "Мерос" маҳалласида ўтказилмоқда. Айтиш жоизки, тиббий кўришни ҳаққоний амалга оширилишини таъминлаш мақсадида жиддий тайёргарлик кўрилди. Амалий жараёнга ўз касбининг мутахассислари жалб этилди. Давлатимиз раҳбарининг тиббиёт соҳасига қаратаётган эътиборлари ҳамда бу борада берган топшириқ ва кўрсатмаларининг ижрога йўналтирилиши соғлиқни сақлаш тизини янада такомиллаштириш, тиббий хизматлар сифатини яхшилашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, ушбу мақсадларга хизмат қилувчи Қўшма қарор ва бирламчи тиббий-санитария бўғинида "Саломатлик мактаблари" фаолиятининг йўлга қўйилиши шулар жумласидандир. Бундан ташқари, соҳага оид қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатларни олиб қарайлик, мақсад битта, у ҳам бўлса тиббиётни аҳолига яқинлаштириш, тиббий хизматлардан халқимизни рози



қилишдир. Қарс икки қўлдан чиқади, бунинг учун аҳоли ҳам ўз саломатлигига эътиборли бўлиши зарур, албатта. Бу каби тиббий кўриклар эса шу мақсад йўлида том халқ билан саломатлигига оид мулоқот вазифасини ўтамоқда, десам муболага бўлмайди.

Тиббий кўрикка жалб этилган маҳалла аҳолисига айна пайтда ҳудуддаги 59-сонли Оилавий поликлиника томонидан тиббий хизмат кўрсатиб келинади. Шу боис, бу борадаги маълумотлар юзасидан мутахассис фикрига қизиқдик.

**Раъно НОСИРОВА,  
59-сонли Оилавий  
поликлиника бош  
шифокори:**

"Мерос" маҳалласида 4 минг 740 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шулардан, 1 минг 300 нафарини туғиш ёшидаги аёллар, 920 нафарини болалар ташкил этади. Поликлиникамизда Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруқ ва кўрсатма хатлари асосида саломатлик ҳафталиги, профилактика ишлари, патронаж тизими мунтазам олиб боришмоқда. Ўз ўрнида ушбу амалиётлардаги тиббий хизматлар-

дан мазкур маҳалла аҳолиси ҳам баҳраманд бўлиб келмоқда. Кенг қўламли ҳамкорликда ўтказилаётган ушбу тadbирга тор соҳа мутахассисларидан ташқари, биохимик таҳлиллар текшируви ҳам аҳоли хизматида. Шунингдек, ётоқли беморлар ҳолидан хабар олиш мақсадида



биётимиз учун ҳам муҳим жараён ҳисоблайман.

**Дилдора ХОЛНАЗАРОВА,  
"Мерос" маҳалласи  
фуқароси:**

Поликлиникамиз фаолиятдан жуда мамнунимиз. Патронаж ҳамширалари маҳалламиздаги ҳар бир хонадондан мунтазам хабар олиб туради. Улар билан маҳалламиз фаолларининг бир ишлаётганлиги эса айна муддао бўлди. Сабаби, кимдир шифокорни, бошқа биров эса фаолларни ўзига яқин олади. Бугунги тadbирнинг ўтказилиши аҳолининг кўнглидаги иш бўлди. Чунки, поликлиникамиз унчалик

узоқ бўлмаса-да, оилавий боришга кўндалик юмушларимиз билан улгурмас эдик. Мана, ушбу мақсадимиз ҳам амалга ошди. Турмуш ўртоғим ҳамда фарзандларим билан барча мутахассисларнинг қабулида кириб, соғлигимиз ҳақида қимматли маълумотларни олдик. Буларнинг ҳаммасини, аввало, Юртбошимизнинг халқимизга бўлган ғамхўрлиги, тиббиёт ходимларининг зиммасидаги масъулиятни ҳис қилиши, жамият фаровонлиги учун қайғурини деб биламиз ва барчаси учун миннатдорлигимизни билдираемиз.

## ХУЛОСА ЎРНИДА МУЛОҲАЗА

Табиийки, иш бор жойда камчилик ҳам топилади. Аммо назаримизга тушган камчиликлар соғлиқни сақлаш тизимига оид бўлмаган ёки йўл-йўлакай бартараф этиш мумкин бўлган муаммолардан иборат бўлди. Айтмоқчи бўлганимиз эса биргина тadbир доирасида кўплаб хонадонларга мақсадли ташрифлар уюштирилди, ҳудудлардаги аҳоли саломатлигининг айна пайтдаги ҳолатидан бохабар бўлинди. Ўрганишлар натижасида фуқароларнинг соғлиғи билан боғлиқ муаммоларини бартараф этишга иттиҳ топилиди. Уларга тўғри ташхис орқали зарурий тавсиялар бериш бораборида, зарурат туғилганлари саломатлигини тиклаш учун ҳудуддаги тиббиёт муассасалари ва пойтахтимиздаги етакчи клиникаларга йўналтирилди. Албатта, бу масаланинг бир томони, қарс эса икки қўлдан чиқади. Ҳўш, халқимиз ушбу фаолиятлардан қаноат ҳосил қилаяптими? Қолаверса, тadbирлар доирасида, шунингдек, "Саломатлик мактаблари" таркибига бириктирилган мутахассислари томонидан маҳалла ва хонадонларда олиб борилаётган соғлом турмуш тарзи бўйича тарғибот ишларидан тегишли хулоса чиқараётими? Тўғри, ҳали ғалвирини сувдан кўтаришнинг вақти келмагандир. Лекин ушбу фаолиятлар шунчаки ҳисобот тўлдириб ёки кўзбўямачилик учун олиб борилмаётганлигини барчамиз бирдек ҳис этишимиз лозим. Халқимиз томонидан билдирилган муносабатларнинг таҳлили эса "Обод маҳалла" дастури ва унинг таркибига киритилган эзгу мақсадларнинг бош бўғини "Саломатлик мактаблари"нинг фаолияти чиндан ҳам бугуннинг талаби эканлигини ифода этмоқди.

**Ҳасан АБДУҒАНИЕВ.  
Муаллиф олган суратлар.****(Давоми. Боши  
5-бетда).**

## Исполнение постановления

## ЗДОРОВАЯ МАТЬ И РЕБЕНОК — ОПОРА СТРАНЫ

**Всестороннее укрепление здоровья матери и ребенка, воспитание здорового поколения является одним из приоритетных направлений государственной политики.**



За последние годы в стране реализуются комплексные меры по снижению показателей детской заболеваемости, смертности, инвалидности, врожденных и наследственных заболеваний. Уделяется огромное внимание совершенствованию медико-генетической помощи населению, развитию службы диагностики.

Важным подспорьем в этом деле явилось Постановление Президента страны от 25 декабря 2017 года "О Государственной программе раннего выявления врожденных и наследственных заболеваний у

детей на период 2018 – 2022 годов".

На основании данного документа последовательно внедряется массовое дородовое ультразвуковое обследование беременных, проводится поэтапное биохимическое исследование крови женщины в ранние сроки беременности для определения группы риска по генетическим синдромам плода.

– В республике создана сеть современных перинатальных центров и Скрининг центров матери и ребенка, обеспечивающих необходимые условия для рождения здоровых детей, ран-

него выявления патологии у беременных женщин и новорожденных, – рассказывает директор Республиканского скрининг центра матери и ребенка, заслуженный работник здравоохранения Республики Узбекистан, доктор медицинских наук **Мадина Шарипова**. – При поддержке государства укрепляется материально-техническая база и кадровый потенциал родовспомогательных и педиатрических учреждений, внедряются современные методы диагностики, лечения и

технологичным диагностическим медицинским оборудованием, комплектующими изделиями, реагентами и расходными материалами.

Постоянную заботу и внимание о пациентах проявляют 35 врачей и 45 медицинских работников среднего звена. Среди них четыре кандидата медицинских наук, опытные педиатры, специалисты в сфере акушерства и гинекологии, генетики, а также невропатологи и эндокринологи. Они на высоком уровне осуществляют дородовый скри-

тическое консультирование семей и больных с врожденной и наследственной патологией. Ученые и врачи оказывают методическую поддержку специалистам всех 13 филиалов центра, проводят анализ их деятельности.

В дальнейшем специалисты центра намерены внедрять передовые методы лабораторной диагностики, в том числе цитогенетических и молекулярно-цитогенетических технологий в диагностике хромосомных синдромов у плода и детей раннего возраста. Улучшать качество обследования новорожденных путем совершенствования методов ранней диагностики наследственных заболеваний у детей, а также повышать эффективность лечения наследственных заболеваний путем обеспечения больных лекарственными средствами и лечебным питанием.

Будет уделяться внимание работе с населением по повышению санитарной культуры в семье, профилактике ранних и родованных браков, улучшению репродуктивного здоровья женщин фертильного возраста. Для этих целей будут проводиться семинары, встречи и "круглые столы" в сельских врачебных пунктах, махаллях, лицеех, колледжах, школах с раздачей буклетов и демонстрацией видеороликов.

**Х. УБАЙДУЛЛАЕВ,**  
Фото автора.



профилактики врожденных и наследственных заболеваний.

На сегодняшний день Республиканский скрининг центр матери и ребенка оснащен высоко-

нинг беременных на врожденные пороки развития плода, обследуют новорожденных на фенилкетонурию и врожденный гипотиреоз, проводят медико-гене-

## Мутахассис маслаҳати

## ҚАЛҚОНСИМОН БЕЗНИНГ ТУГУНЛИ ЎЗГАРИШЛАРИ

**Қалқонсимон без – бўйиннинг олдинги юзаси пастки қисмида жойлашган бўлиб, ташқи кўринишидан капалакка ўхшаш, атиги 25 гр. оғирликдаги, организмдаги умумий модда алмашиниш жараёнларини бошқариш билан бирга, ўшми жараёнга, органлар регенерацияси ва бошқа умим жараёнларни стимулловчи вазифаларини бажаради.**

Қалқонсимон безнинг (ҚБ) тугунли ўзгаришлари пайдо бўлгандан кейин кўп ҳолатларда биринчи ой ёки йилларда аниқлаш ҳозиргача муаммолигича қолмоқда. Айрим ҳолатларда бир неча 10 йиллар ўтади, шунда ҳам тасодифан профилактика кўрикларида аниқланади, чунки субъектив белгилар кузатилмайди. Афсуски, ҳозирги вақтда ҚБ тугунли ўзгаришлари жуда кўп учрайдиган патологиялар қаторига киради. Аёлларда эркакларга нисбатан кўп учраб, 9:1 нисбатни ташкил қилади. ҚБ тугунли ўзгаришларида тугунли бўқоқ, аденома, хавфли ўсмалар ва ҳ. киради. Америка Клиник Эндокринология Уюшмаси (ААСЕ) ва Радиологлар Коллегияси (АСР) маълумотларига қараганда, пайпасланганда аниқланмаган ва аниқланмайдиган ҚБ тугунли ўзгаришлари умумий инсоният популяциясининг 30-50 фоиз қисмида учрайди.

Қуйда ҚБдаги тугунли ўзгаришларнинг келиб чиқиши ва ундаги тиреоид гормонлар ишлаб чиқиш жараёни билан танишамиз. ҚБ фолликуллари (пуфакча) девори тиреоцит-

лардан (ҚБ хужайралари) иборат бўлади, ушбу хужайралар томонидан ишлаб чиқарилган коллоид (суюқлик) фолликул бўшлигини тўлдириб туради. Коллоид таркибида йод сақловчи (диққат беринг, йод этишмовчилиги нимага олиб келади) гормонлар, яъни монойодтиронин, дийодтиронин, трийодтиронин (Т3) ва тироксин (Т4) мавжуд бўлади. Ушбу гормонлардан охириг иккитаси энг фаол ҳисобланади. Агар инсонда йод танқислиги кузатилса, коллоид таркибида моно ва дийодтиронин гормонлар миқдори ошиб, бу гормонлар унча фаол ҳисобланмайди. Қонда ҚБни фаол Т3 ва Т4 гормонлари нормадан пасайиб кетиши, бoш ми аденгоипофизни фаолиятини кучайтирувчи тиреотроп гормон (ТТ) ишлаб чиқиши кучайди, бу эса ҚБнинг катталашishi, фолликулалар ҳажми ошиши ва охир-оқибатда тугунли ўзгаришлар ҳосила бўлишига олиб келади. Илмий адабиётларда келтирилишича ҚБдаги тугунли ўзгаришлар 9-17 фоиз ҳолатларда хавфли ўсмаларга айланиши мумкин. Бунга сабаб бўлувчи омиллар: носог-

лом турмуш тарзи, ирсий мойиллик, физиотерапевтик муолажалар, стресслар, экология билан боғлиқ омиллар, канцероген моддаларни (ўсмага келтириб чиқарувчи) истеъмол қилиши, тугунли ўзгаришдаги хужайраларнинг биологик мойиллиги (хужайралар бўлиниши назоратини издан чиқиши) ва ҳ. Шунинг учун ҚБдаги ҳамма тугунли ўзгаришлар ўз вақтида аниқланиши ва давола-ниши лозим, деярли кўп ҳолатларда хирургик йўл билан даволанади.

Демак, ҚБ тугунли ўзгаришлар жуда кўп учрайдиган бўлса, қандай тугунлардан эҳтиёт бўлиш лозим. ҚБда бир вақтда ҳар хил диаметрдаги бир неча тугунлар бўлиши мумкин, олдинлари тугун қанчалик катта бўлса, шунчалик хавфли ўсмага айланиши эҳтимоли юқори бўлар ва бундай ҳолатларда тезда операция қилиш зарур деб баҳоланарди. Ҳозирда эса тугунларни ўлчам билан боғлиқ қарашлар ўзгарди, гап шундаки кичкина тугунлар (ҳаттоки 1 см дан кичкина) ҳам ўзида хавфли хужайраларни сақлаб, бўйиндаги лимфа тугунларни зарарлаши мумкин. 5 см дан катта тугунлар билан инсон кўп йил ҳаёт кечириши мумкин (бу дегани катта тугун даволанмайди дегани эмас, албатта). Ҳозирги кунда ультратовуш текшируви назорати остидан ингич-

ка игнали аспирацион-пункцион биопсия (ТАПБ) ва морфологик текширув ёрдамида тўлиқ ташхис қўйиш, тугунларни бириридан дифференциаллаш имкони мавжуд.

Қуйда қалқонсимон без хавфли ўсмаларига хосмезонлар келтирилган:

- тугуннинг тез катталашishi;
- текширувларда тугун капсуласи бутунлиги бузилганлиги;
- кальцинатлар сақлаши;
- тугуннинг қалқонсимон без бўйинчасида жойлашиши;
- эркаларда аниқланган тугунли ўзгаришлар;
- яқин қариндошларида ҚБ хавфли ўсма касаллиги кузатилган ҳолатлар;
- овоз ўзгариши;
- тугуннинг қаттиқ бўлиши;
- бўйинда катталашган лимфа тугунлар аниқланиши;
- ҳаётини олдинги даврларида нурланиш ҳолатлари кузатилган бўлса;
- 45 ёшдан катталар

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, ҳар бир инсон ўз қалқонсимон безида тугунли ўзгариш бор ёки йўқлигига ишонч ҳосил қилмоқчи бўлса, тегишли мутахассислар (онколог, эндокринолог) кўригиде бўлиш, юқоридаги клиник белгиларга ва омилларга аҳамият бериш, қондаги қалқонсимон без гормонлари миқдорини аниқлаш, ультратовуш текширувидан ўтиш ва кўрсатма асосида ТАПБ+мор-

фологик текширув ўтказиши керак бўлади. Ҳозирги кунда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида қалқонсимон без ўсма касалликлари диагностикаси ва замонавий даволаш усуллари ни ўтказиш, қолаверса, ақоли технология жараёнида амалиётларини бажариш имконияти бор. Бу борада Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази мутахассислари билан узвий алоқа ўрнатилган.

Сабаби касаллик бўйиннинг кўзга кўринадиган қисмида жойлашган, оғирлиги ва ҳажми унча катта бўлмаган тақдирда ҳам, ўз вақтида ташхис қўйилмаса, тўри даволамаса катта муоммаларга олиб келиши мумкин. Чунки у гормонлар фаол аъзо ҳисобланми, бутун моддалар алмашинувни бошқариб туради. Шунинг учун ҳар бир инсон қалқонсимон без касаллигига эҳтиборли бўлиши мақсадга мувофиқдир.

**Аҳмад МАДАМИНОВ,**  
Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бош-бўйин онкологияси жарроҳлик бўлими етакчи мутахассиси:

## Муносабат

# АҲОЛИГА НЕФРОЛОГИЯ ВА ГЕМОДИАЛИЗ ЁРДАМИ КЎРСАТИШ САМАРАДОРЛИГИ ОШАДИ

Нефрологик касалликлар сўнгги вақтларда "ёшариб" бораётган ва аҳоли орасида кўп кузатилаётган хасталиклардир. Улар, асосан, меҳнатга лаёқатли кишиларда учрайди. Белгилари тезда намоён бўлмаслиги мумкин, бироқ терминал буйрак етишмовчилигига сабаб бўлиши билан хавфлидир.



Қандли диабет, сурункали гломерулонефрит ва пиелонефрит, буйрак поликистозиди нефрологик касалликларни келтириб чиқариши мумкин. Терминал ва ўткир буйрак етишмовчилигига дучор бўлган беморларни даволашда фақатгина икки усул самаралидир: биричиси, программали гемодиализ, иккинчиси, буйрак трансплантацияси.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда 2 минг 600 га яқин буйрак етишмовчилигининг терминал босқичидаги беморлар бор. Афсуски, уларни даволашда замонавий усуллардан тўла фойдалана олмаганимиз. Республика ва барча вилоят тиббиёт муассасаларида нефрологик касалликларга чалинган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича қатор чора-тадбирлар

амалга оширилган бўлишига қарамай, уларнинг турмуш сифатини яхшилашни таъминлайдиган шарт-шароитлар замон талабларига мос эмас. Жумладан, юртимиз тиббиёт масканларида гемодиализ олиш учун ўринларнинг умумий сони реал эҳтиёждан бир неча баравар кам, гемодиализ бўлинмаларининг ярмидан ортиги мослаштирилмаган хоналарда жойлашган, зарур мосламалар ва машиналарнинг белгиланган фойдаланиш муддати ўтиб кетган.

Беморларга ўз вақтида ташхис қўйишнинг самарали тизими яратилмагани касалликни барвақт аниқлаш ва унинг олдини олишда турли камчиликларни юзага келтирмоқда.

Президентимизнинг шу йил 12 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси аҳолисиغا нефрология ва

гемодиализ ёрдами кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борадаги мавжуд муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш, тармоқда замонавий инфратузилмани ривожлантириш ва беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини сифат босқичига олиб чиқишга қаратилган.

Қарор ижроси доирасида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами муассасаларида республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, олий тиббиёт таълим муассасалари клиникалари, кўп тармоқли шифохоналарнинг етакчи мутахассислари иштирокида тизимли равишда аҳоли тиббий кўридан ўтказилади.

Беморларга ташхис қўйиш ва уларни гемодиализга юбориш жараёнининг халқроқ амалиётга мувофиқ қайта қўриб чиқиши, юртимизда сурункали буйрак етишмовчилигига дучор бўлганлар ҳисобини юритиш ва уларнинг мониторингини олиб боришнинг ягона электрон режими жорий этилиши нефрологик касалликларни даволаш ва реабилитация қилиш бўйича ишларни янги босқичга кўтарди.

Аҳолига ихтисослаштирилган нефрология ва гемодиализ тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурининг тасдиқлангани бу борада кўзда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва вразрла амалга оширилишини таъминлайди.

Тошкент шаҳар нефрология шифохонаси негизида Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт мар-

казининг ташкил этилиши, айниқасин, мамлакатимиз ҳаёти ва тиббиётда катта воқеялидир. Мазкур даргоҳ нафақат жойлардаги муассасаларни услубий жиҳатдан зарур материаллар билан таъминлайди, балки соҳада илмфанни ривожлантиришга, даволашнинг юқори технология усуллари ва замонавий стандартларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишга ҳисса қўшади.

Марказдаги гемодиализ аппаратларининг умумий сони 40 тага (шулардан 10 таси болалар гемодиализи бўлими учун) ва беморларнинг стационар равишда даволаниши учун ўринлар сони 170 тага оширилиши мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан даволанишга муҳтож бўлиб келаётган юрдошларимизга юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам беришга асос яради. 20 ўринга мўлжалланган буйрак трансплантацияси бўлимининг очилиши ҳафта давомида 4-5 нафар беморга буйракни кўчириб ўтказиш амалиётини бажаришга, бу эса йиллар давомида гемодиализ муолажасини олаётганлар сонини қисқартириш ва унга муҳтожларнинг тезроқ бу муолажага бўлган эҳтиёжини қондиришга ёрдам беради.

Бугунги кунда шифохонамизда кенг қўламли реконструкция ва қурилиш ишларини олиб боришга пухта ҳозирлик қўрилмоқда. Атроф ободонлаштириляпти.

Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази негизида Тошкент шаҳар малакасини ошириш институти "Нефрология, гемодиализ ва буйрак трансплантацияси" кафедраси ташкил этилади, 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб, магистратура ва клиник ординатуранинг "нефрология" ва

"болалар нефрологияси" мутахассисликлари бўйича янги йўналишлари очилади. Бу соҳанинг оғрикли муаммоси — кадрлар масаласини самарали ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади. Марказда яратилган шароитлардан унумли фойдаланиб, билимини бойитган, малакасини оширган шифокорлар замонавий дунё стандартлари ва протоколларига мос муолажалар ҳамда операцияларни ўткази олишига ишонамиз.

Президентимиз қарорининг яна бир муҳим жиҳати, "Ўзбекистон диализ жамияти" нодавлат нотижорат ташкилотининг тузилишидир. Гемодиализ муолажасини олишга мажбур бўлиб қолган беморларнинг бирдангина саросимага тушишини ҳаммамиз тушунамиз. Ташкилотнинг асосий вазифаларидан бири бундай беморларни руҳий ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, гемодиализ хизмати фаолияти устидан жамоатчилик назорати ўрнатиш, даволашнинг замонавий услубларини амалиётга киритишдан иборатдир.

Халқроқ ҳамкорликнинг қучайтирилиши чет эл етакчи клиникаларининг юқори малакали мутахассислари томонидан юртимизда ўқувларни ташкил этиш, ёш кадрларимизнинг эса бу клиникаларда тажрибасини ошириб қайтишига имкон яради.

**Улугбек Юлдашев,**  
Соғлиқни сақлаш вазирлиги Бош трансплантолог, Тошкент шаҳар нефрология шифохонаси буйрак трансплантация бўлими мудири, тиббиёт фанлари номзоди.  
Манба: www.xs.uz

## Сотрудничество

### В УЗБЕКИСТАНЕ БУДУТ ПРОИЗВОДИТЬ ПРЕПАРАТЫ ДЛЯ ЛЕЧЕНИЯ ОНКОЛОГИЧЕСКИХ ЗАБОЛЕВАНИЙ И ИЗДЕЛИЯ ДЛЯ ГЕМОДИАЛИЗА

Такое соглашение было достигнуто во время встречи министра здравоохранения Узбекистана Алишера Шадманова с генеральным директором холдинга "Белфармпром" Валерием Шевруком и с участием авторитетных фармацевтов-специалистов Республики Беларусь.

Известно, что сегодня онкологические заболевания являются одними из актуальных медико-социальных проблем, оказывающих серьезное влияние на здоровье человека во всем мире. По данным Всемирной организации здравоохранения, показатели заболеваемости растут из года в год. В мире ежегодно определяются около 16 миллионов первичных состояний рака. В частности, в Узбекистане тоже более 100 тысяч больных со-

стат на учете по онкозаболеваниям. В оказании эффективной медицинской помощи таким больным неocenима роль современных медицинских препаратов.

Сотрудничество Министерства здравоохранения Узбекистана с холдингом "Белфармпром" стало важным шагом на пути эффективного решения подобных актуальных медико-социальных вопросов, охраны здоровья и развития медицины. Необходимо отметить, что

"Белфармпром" является одним из ведущих производителей в мировой фармацевтической промышленности, на сегодня предприятия в составе этой холдинговой компании экспортируют свои продукты в более 30 стран мира. В сотрудничестве с этой компанией в нашей стране договорились организовать совместное предприятие, специализирующееся на производстве современных медицинских препаратов, применяемых в онкологии. Во время взаимного общения белорусские специалисты отметили, что богатая ценная природная сырьевая база нашей страны, хорошее налаживание межотраслевой про-

мышленной кооперации создают большие удобства для иностранных инвесторов.

Еще один важный проект — соглашение в области производства изделий для гемодиализа и расходных материалов. Гемодиализ — это способ очищения крови при почечной недостаточности хронической или острой степени, он играет важную роль в сохранении жизни больного. На сегодня в нашей стране эта услуга налажена и совершенствуется, исходя из требований времени.

На встрече также было достигнуто соглашение о подписании двусторонних договоров,

направленных на повышение сотрудничества связей между медицинскими высшими образовательными учреждениями и специализированными научно-практическими медицинскими центрами.

Члены делегации побывали на фармацевтическом предприятии "Азия Трейд" и в свободной экономической зоне "Зомин-фарм", непосредственно ознакомились с практическими работами, проводимыми в области развития фармацевтической промышленности в нашей стране.

**Информационная служба**  
Министерства  
здравоохранения.

Газета  
муассиси:  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Соғлиқни  
сақлаш  
вазирлиги

Бош муҳаррир  
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ  
Бош муҳаррир ўринбосари  
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash - Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,  
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.  
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета  
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни  
рўйхатта олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари тахририят  
компьютер марказида  
терилди ва саҳифаланди.

Адади 2844 нуска.  
Буюртма Г-737.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида  
чоп этилади. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚУШОКОВ.

Босмахонага топшириш вақти — 20.00.  
Топширилди — 22.30. 1 2 3 4 6